

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**КУРБАНОВ БАХОДИР ИРКИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНЖЕНЕРЛИК–ГЕОЛОГИК ШАРОИТИДА  
БИНО ВА ИНШОТЛАР АСОСЛАРИНИ БАРПО ЭТИШДА  
ВЕРТИКАЛ АРМОЭЛЕМЕНТЛАР (ВАЭ) ИШЛАШНИ ТАДҚИҚ  
ЭТИШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдевор ва ер ости иншоотлари. Кўприklar ва  
транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Курбанов Баходир Иркинович**

Ўзбекистоннинг инженерлик–геологик шароитида бино ва  
иншоотлар асосларини барпо этишда вертикал армоэлементлар (ВАЭ)  
ишлашнинг тадқиқ этиш.....3

**Курбанов Баходир Иркинович**

Исследование работы вертикальных армоэлементов (ВАЭ)  
при возведении оснований зданий и сооружений в  
инженерно-геологических условиях Узбекистана.....25

**Kurbanov Bakhodir Irkinovich**

Research work of vertical armoelements (VAE) in the construction  
of foundations of buildings and structures in the engineering and  
geological conditions of Uzbekistan.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**КУРБАНОВ БАХОДИР ИРКИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНЖЕНЕРЛИК–ГЕОЛОГИК ШАРОИТИДА  
БИНО ВА ИНШОТЛАР АСОСЛАРИНИ БАРПО ЭТИШДА  
ВЕРТИКАЛ АРМОЭЛЕМЕНТЛАР (ВАЭ) ИШЛАШНИ ТАДҚИҚ  
ЭТИШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдевор ва ер ости иншоотлари. Кўприklar ва  
транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
коммиссиясида В2020.4.PhD/Т2007 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш  
веб-саҳифасида (www.lstu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz)  
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хасанов Аскар Забиевич  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Шарафитдин Сайфитдинович  
техника фанлари доктори, профессор

Каюмов Абдубаки Джалилович  
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Тошкент архитектура ва қурилиш  
институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги илмий  
даражалар берувчи DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил  
"11" "12" соат "12" даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент,  
Одилхожаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (998-71) 277-54-87, e-mail: tashiit\_rektorat@mail.ru).


Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс  
марказида танишиш мумкин (044 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167,  
Тошкент, Одилхожаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (998-71) 277-54-87, e-mail:  
tashiit\_rektorat@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил "29" "11" куни тарқатилган  
(2021 йил "30" "10" даги 8 рақамли реестр баённомаси).



  
А.А. Рискулов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

  
Р.М. Худайкулов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, PhD, доцент

  
С.Н. Садиков  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш оқибдаги Илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда, техника ва қурилишнинг турли соҳаларида илмий изланишлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш, қурилишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш шунингдек, бино ва иншоотлар пойдеворларининг нотекис чўкишини, уларнинг пойдевори остидаги лёсс ва лойли грунтларнинг ўта чўкувчанлигини, бино ва иншоотлар пойдеворларининг бикрлигини оширишга қаратилган сарф-харажатларни камайтириш усуллари ва технологияларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламақда. Дунё миқёсида, жумладан АҚШ, Европа, Россия Федерацияси каби ривожланган мамлакатларда ушбу ишларни амалга оширишда иқтисодий тежамкор технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳам ушбу муаммоларнинг ечимини топишда замонавий усуллар ва технологияларни ишлаб чиқишни ва амалиётга кенг жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан бино ва иншоотлар пойдеворларининг нотекис чўкишини ва ўта чўкувчан грунтларнинг ўта чўкувчанлигини камайтириш, шунингдек бино пойдеворларининг бикрлигини ошириш ва сарф-харажатларни камайтиришда иқтисодий тежамкор технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда кўп қаватли бино ва иншоотлар қурилишида асосларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан, мамлакатимиздаги йирик шаҳарлар ҳудудларида маданий грунт қатлами кенг тарқалганлигини ҳисобга олсак, бино ва иншоотлар асосини мустаҳкамлаш ишлари катта муаммо бўлиб қолмоқда. Шаҳар ҳудудларида қурилиш майдонларининг чегараланганлиги сабабли, чуқур хандаклар қазииш имкони йўқлигини эътиборга олиб, ушбу муаммоларни ечимини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, юқордаги муаммоларни ечишда ВАЭларни қўллаш самарали ҳисобланади. Юқорида келтирилган ҳолларда амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган зичланган грунт қатламлари усулини амалга ошириш мумкин бўлмай қолади. Бундай ҳолларда бино ва иншоотлар асосларини ВАЭлар билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жиҳатдан тежамкор ҳисобланади. Мамлакатимиздаги йирик шаҳарлар ҳудудларида бино асосларини мустаҳкамлаш учун янги усуллар ва технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қурилиш соҳасидаги ер ишларини амалга оширишда иқтисодий тежамкор ва ишончли технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмақда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш...., ... тежамкор ва

самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, бино ва иншоотларнинг асос (нол) қисмини барпо этишда иқтисодий тежамкор ва ишончли механизациялашган усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2900-сон “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 2 июндаги 340-сон “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Коммуналхизмат” Агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-5030-сон “Архитектура ва қурилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат фаолиятини тубдан ривожлантириш тадбирлари” ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3502-сон “Аҳоли яшаш пунктларини 2018-2022 йилларда бош режалар билан таъминлаш тадбирлари, лойиҳалаш ташкилотлари фаолиятини яхшилаш ва шаҳарсозликда қурилиш сифатини ошириш”га оид қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг XIV «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Горизонтал ва вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослар ва пойдеворлари бирга ишлашини тадқиқ этиш соҳаси бўйича ривожланган давлатларда кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, ривожланган давлатларда кенг тадқиқотлар олиб борган олимлар: ASTM, Bush, D.I, Gray, D.H Zornberg, J.G., Consoli, N.C, Pei Chen, Russell Jones, G. M. Swift, Juan Juan Wang, Jun, Tao Deng, Rui E. Li. МДХ давлатларида ушбу муаммо юзасидан илмий изланишлар олиб борган олимлари: Т.М.Мирсаяпов, А.З.Хасанов, Л.В.Нуждин, А.И.Полищук, В.Р.Мустакимов, А.О.Попов, А.Б.Паномарев, А.Ж.Жусупбеков ва бошқалар. Мамлакатимизда бу соҳада “Геофундаментпроект”, УзГАШКЛИТИ, “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖлар ва бошқа илмий-тадқиқот корхоналарида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда бино асосларини вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамлаш усули билан бино ўта чўкувчан грунтли асосларининг нотекис

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

чўкишини камайтириш 2000 йилдан қўлланилиб келинмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича бино ва иншоотлар асосларни мустаҳкамлаш, ўта чўкувчан грунтларнинг чўкувчанлигини камайтириш, пойдеворларининг нотекис чўкишининг олдини олиш, бино ва иншоотлар асос қисмини барпо этиш ишларини модернизация қилиш ва арзонлаштириш ҳамда асос грунтларини мустаҳкамлаш муаммоларини ечишда вертикал армоэлементлардан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. ВАЭлар билан мустаҳкамланган асосларда бино ва иншоотлар чўкишини ҳисоблаш ва уларни пойдеворлар билан биргаликда ишлашини, сейсмик демпфер қатламини бино тебранишларига таъсирини камайтиришга қаратилган ҳисоб моделларининг илмий ечимларини ишлаб чиқиш катта амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 28.09.2017-2 “Замонавий бино, иншоотлар қурилиши технологияларини, замонавий меъёрий, иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, баҳолаш ва фавқулодда вазиятларда қутилмаган зарарни камайтириш усулларини тадқиқ этиш” (2017-2021) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли инженерлик-геологик шароитида бино ва иншоотлар асосларини мустаҳкамлашда турли технологиялар билан бир қаторда ВАЭлар билан мустаҳкамланган асосларни барпо этиш, уларнинг юк кўтара олиш қобилиятини аниқлаш, ВАЭлар билан атроф грунт массивининг биргаликдаги ишлаши ва бундай асослар билан пойдевор конструкцияларини биргаликда ишлаш контакт моделини ишлаб чиқиш ва сейсмодемпер масалаларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли инженерлик-геологик шароитда сунъий мустаҳкамланган асослар барпо этишда ВАЭлар технологияларини ишлаб чиқиш ва бу усулни такомиллаштириш;

ҳар ҳил технологиялар билан барпо этилган ВАЭлар материалларининг оптимал таркибини ва уларнинг юк кўтара олиш қобилиятини аниқлаш;

ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослар ва пойдеворларнинг контакт моделини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда ВАЭларнинг силжишга қаршилигини аниқлаш;

ВАЭларни барпо этиш технологияси, материали, геометрик хусусиятлари, грунтнинг физик ва механик хусусиятларини эътиборга олиб, ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворлар чўкишини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикамиз ҳудудидаги ҳар ҳил асосларда, турли хил материаллардан барпо этилган ВАЭлар олинган.

**Тадқиқот предмети** ВАЭлар билан мустаҳкамлаган асосларнинг мустаҳкамлиги, деформацияларини ўрганиш, бино ва иншоотлар пойдеворларининг эгилишини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида экспериментал ва назарий натижаларни тизимли таҳлили, грунтлар механикасининг фундаментал қонун-қоидалари ва экспериментни математик режалаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

лабораторияда олиб борилган тажрибалар асосида, қориштириш технологияси бўйича грунт-цементли вертикал армоэлементларни барпо этиш учун тайёрланадиган грунт-цементли қоришманинг оптимал таркиби аниқланган;

натуравий тажрибалар асосида, вертикал армоэлементларнинг юк кўтара олиш қобилиятини ва чўкишини аниқлашга қаратилган ҳисобий схема ҳамда математик ифодалар ишлаб чиқилган;

моделли тажрибалар асосида, вертикал армоэлементларнинг чўкиши ва улар орасидаги масофаларнинг пойдевор эгилиши ва зўриқишлар қийматларига таъсири аниқланган ҳамда уларни ҳисоблашга қаратилган механик модел таклиф этилган;

вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослар ва пойдеворлар контакт ҳудудидаги қумли демпфер қатламининг горизонтал критик кучларига қаршилигини аниқлашга қаратилган математик ифода ишлаб чиқилган ва силжиш шарти аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослардаги бино ва иншоотлар пойдеворларининг нотекис чўкишини 2,5-3,0 марта камайтирилишига эришилган;

ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдевор эгилишининг 2,5-3,0 марта камайиши ҳисобига пойдевор конструкцияси бикрлигини ошириш учун сарфланадиган материаллар сарфи 10-12 % тежалишига эришилган;

вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослар ва пойдеворлар контакт ҳудудидаги қумли демпфер қатлами комплексини қўллаш орқали қурилиш майдонинг сейсмиклигини 1 баллга камайтиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** математик статистика усуллари қўлланилганлиги ва олинган натижалар, реал экспериментлардан олинган натижалар билан таққослаш орқали асосланган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги экспериментал натижалар билан таққосланган ва уларнинг эксплуатация жараёнида узок вақт давомида кузатиш натижалари билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ВАЭлар билан мустаҳкамланган асосларда пойдеворлар чўкишини ҳисоблаш ва лойиҳалашда асослардан максимал фойдаланиш имконини берувчи механик модел ва математик формулалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ВАЭларнинг силжишга қаршилигини ҳисобга олиб, контакт масалани ечиш ва пойдеворлар эгилишини аниқлаш билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ВАЭларни барпо этиш усулини такомиллаштириш, уларнинг юк кўтара олиш қобилиятини ҳисоблаш ҳамда вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларни чўкишини ҳисоблаш бўйича олинган натижалар асосида:

вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларни ҳисоблаш ифодалари ва моделлари “Геофундаментпроект” МЧЖ лойиҳалаш институтида бино ва иншоотлар пойдеворларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш жараёнига жорий қилинган (“Ўзбекистон республикаси Қурилиш Вазирлиги”нинг 2021 йил 17 сентябрдаги № 09-06/10707-сонли маълумотномаси). Натижада вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдевор плиталарини эгилишининг камайиши ҳисобига пойдевор бикирлигини оширишга қаратилган арматура сарфи камайиши ҳисобига пойдевор қуриш учун сарф-харажатлар 10-12 % га камайтирилган;

вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асосларни барпо этиш усули “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖда бино асосларини лойиҳалаш жараёнида жорий қилинган (“Ўзбекистон республикаси Қурилиш Вазирлиги”нинг 2021 йил 17 сентябрдаги № 09-06/10707-сонли маълумотномаси). Натижада маданий грунт кенг тарқалган йирик шаҳар ҳудудлардаги бино асосларини мустаҳкамлашда, анъанавий қатламлаб зичлаш усули ўрнига вертикал армоэлементларни қўллаш орқали сунъий асосларни тайёрлашда кетадиган умумий сарф-харажатлар 10 % га камайган;

бино ва иншоотлар асосларини вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамлаш усули “O’ZGAShLIT” ДУКда бино асосларини лойиҳалаш жараёнида жорий қилинган (“Ўзбекистон республикаси Қурилиш Вазирлиги”нинг 2021 йил 17 сентябрдаги № 09-06/10707-сонли маълумотномаси). Натижада бино ва иншоотлар асосларини тайёрлашда вертикал армоэлементларни барпо этишнинг қориштириш технологиясини қўллаш орқали сарф-харажатлар 10 % га камайтирилган;

ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослар ва пойдеворларнинг биргаликда ишлашига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларни лойиҳалаш бўйича қўлланма қайта тайёрланган ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги томонидан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Техник кенгаши йиғилиши 18-2021-сонли баённомаси (23.08.2021)) ва чоп этишга рухсат берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари - 5 та халқаро (жумладан, 1 та хорижий) ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп қилинган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика нашрларида, 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бино ва иншоотлар асос грунтларини мустаҳкамлаш ва ҳисоблашнинг мавжуд усулларининг таҳлили”** деб номланувчи биринчи бобида адабиёт манбалари асосида қурилишда лёсс ва лёссимон ўта чўкувчан грунтларнинг хусусиятлари, грунтларни вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамлашнинг шаклланиши ва ривожланиши, грунтларни вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамлаш технологияси ва усуллар ва вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асос грунтларини ҳисоблашнинг мавжуд усуллари таҳлил этилган.

Лёсс ва бошқа бўш, сувга тўйинган, кўп сиқилувчан ҳамда кам зичланган қумли ва тўкма грунтларда бино ва иншоотлар қуришда, грунтларнинг кўшимча намланиши таъсирида ўта чўкувчанлик содир бўлиб, бино ва иншоотларнинг авария ҳолатига келишига сабаб бўлади. Бу ҳолларда лёсс, тўкма грунтларнинг ўта чўкувчанлигини камайтиришга тўғри келади. Бино ва иншоотлар пойдевори остидаги асосларни сунъий барпо этиш чораларидан бири бу, грунтларни оптимал намлаб қатламлаб зичлаш ҳисобланади. Грунтларни оптимал намлаб қайта зичлашда, мамлакатимиз ҳудудидаги шаҳарларда 6 м чуқурликгача шаҳар маданий қолдиқлари аралашмали грунтлар мавжудлиги сабабли, қурилиш майдонларидаги грунтларни ўзини қайта зичлаш ҚМҚ 3.02.01-97 бўйича рухсат берилмайди. Бундан ташқари шаҳарларда қурилиш майдонларининг чегараланганлиги туфайли грунтларни оптимал намлаб зичлаш учун маълум вақт сақлаш учун имкониятлар мавжуд эмас. Шу сабабли Самарқанд, Тошкент ва бошқа вилоятларда грунтларни армоэлементлар билан мустаҳкамлаш кенг қўлланилади.

Асосларни ВАЭлар билан мустаҳкамлаш - бу бино пойдевори билан қум қатлами орқали контакт қилувчи, асосан доира кесимли, бикир, узун вертикал элементларни яратиш технологияси. Қумли қатлам бўйлама эгувчи моментларни вужудга келишига имкон бермайди ва зилзиладан ҳимояловчи демпфер каби ишлайди.

Бизнинг фикримизча, ВАЭларнинг қозикли пойдеворлардан асосий фарқи куйидагилардан иборат:

- темирбетон қозиклар ростверк билан бирга бино ёки иншоотлар остида ягона (яхлит) пойдеворни ташкил қилади;

- қозикли пойдеворларни ҳисоблашда ташқи юклар фақат қозикларда тарқатилади;

- грунтли, грунт-цементли ва бетонли ВАЭлар конструкция ҳисобланмайди, улар асосларни мустаҳкамловчи элементлар яъни, арматуралаш вазифасини бажаради;

- ВАЭлар, темирбетон қозикли пойдеворлардан фарқли ўлароқ эгувчи моментга ишламайди ҳамда кучланишни катта ҳажмдаги грунт массивида қайта тақсимлайди (перераспределять);

- ВАЭлар пойдевор остидаги асос грунтлардаги контактли кучланишни бошқаришга (регулировать) имкон беради, пойдеворларнинг эгилишини ва улардаги зўриқишларни камайтиради ҳамда пойдевор остидаги асосларнинг силжишга қаршилигини (бикирлигини ёки юк кўтара олиш қобилиятини) оширади;

- ВАЭлар ишлаш шароитига кўра, қозикли пойдеворларга ўхшаб устун ва осма қозикларга бўлинмайди;

- ВАЭлар қозикли пойдеворларга нисбатан кам мустаҳкамликга эга, қозикли пойдевор билан солиштирганда, юмшоқроқ (податливые) (ВАЭ мустаҳкамлиги грунт мустаҳкамлигидан юқори, лекин қозикнинг мустаҳкамлигидан паст).

Грунтларни ВАЭлар билан мустаҳкамлашнинг куйидаги технологиялари ва усуллари мавжуд:

Грунтларни ВАЭлар билан мустаҳкамлаш технологиялари:

- скважина ва шурфларда грунтни зичлаш технологияси;

- скважина ва шурфларни бетонлаш технологияси;

- бурғилаб грунт билан боғловчиларни аралаштириш технологияси (буромесительная);

- катта босим остида цементли ёки бошқа мустаҳкамловчи қоришмаларни пуркаш технологияси (инъекционная или струйная);

- катта босим остида мустаҳкамловчи материалларни пуркаб-бурғилаб аралаштириш технологияси ва бошқа технологиялар мавжуд.

Грунтларни мустаҳкамлаш усуллари:

- грунтларни цемент ёрдамида мустаҳкамлаш;

- грунтларни суюқ шиша ( $\text{NaSiO}_2$ ) ёрдамида мустаҳкамлаш;

- грунтларни сўндирилган оҳак ( $\text{Ca(OH)}_2$ ) ёрдамида мустаҳкамлаш;

- грунтларни бошқа ишқорли моддалар ( $\text{Na(OH)}_2$ ) билан мустаҳкамлаш,

- грунтларни қиздириш орқали мустаҳкамлаш;

- бошқа усуллар билан мустаҳкамлаш.

Грунтларнинг турига, бино ва иншоотларнинг қаватлари сонига, конструктив ечимига, ер ости сувларининг сатҳига ва бошқа маълумотлар асосида грунтни ВАЭлар билан мустаҳкамлаш технологиялари ва усуллар танланади.

Танланган технология ва усуллар асосида грунтларни мустаҳкамлашда, ВАЭларнинг диаметри, чуқурлиги, материал мустаҳкамлиги, ВАЭнинг атрофидаги грунт билан ишлаш шароити ва бошқа омиллари бир-биридан фарқ қилади. ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларнинг чўкиши ва эгилишини ҳисоблашда юқорида келтириб ўтилган омиллар таъсирини эътиборга олиш лозим. Мисол А.И. Полищук ишларида ВАЭнинг юк кўтара олиш қобилиятини аниқлашда, ВАЭнинг ташқи сирти ва улар атрофидаги грунтларнинг ўзаро ёпишиш (прилипания) шароити бўйича таҳлили тўлиқ келтирилган. Унинг тавсияси бўйича ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилияти худди қозикларнинг юк кўтара олиш қобилияти каби аниқланар экан ва қўйида келтирилган тенглама кўринишида ифодаланган:

$$F_u = R_s A + \gamma_{sf} f h_u \quad (1)$$

бу ерда  $R_s$  – ВАЭ пастки қисми остидаги грунтнинг ҳисобий қаршилиги, кПа;  $A$  - вертикал армоэлементнинг кўндаланг қасим юзаси, м<sup>2</sup>;  $\gamma_{sf}$  - вертикал армоэлемент ён сирти атрофидаги грунтнинг ишлаш шароитини ҳисобга олувчи коэффициент;  $f$  - вертикал армоэлемент кесиб ўтган қатлам билан вертикал армоэлемент ён сирти орасидаги ишқаланиш кучи;  $h_u$  - вертикал армоэлемент кесиб ўтган грунт қатламининг қалинлиги, м.

$R_s$  ва  $f$  ларнинг қиймати, свайли пойдеворни ҳисоблашдагидан фарқли ўлароқ дала шароитида статик зондлаш натижалари орқали аниқланади (СП24.13330.2011 Свайные фундаменты).

Бетонли, грунт-цементли ва бетонли-грунтцементли (комплексли) ВАЭларда олиб борилган, кўп сонли тажрибалар шуни кўрсатдики, уларнинг юк кўтара олиш қобилияти ҳисобланганда вертикал силжишлар 2-3 см дан ошмайди. Бир хил (турдаги) грунтли шароитларда олиб борилган эксперимент натижалари таҳлиliga асосан, ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилиятини ва улар орасидаги масофаларни қуйидаги (2, 3) формулалар орқали аниқлаш мумкин:

$$F_d = \frac{A * L * k}{m} \quad (2)$$

$$L_{ВАЭ} = \frac{F_d - A * p_{sl}}{q - p_{sl} * B} \quad (3)$$

бу ерда  $A$  - ВАЭнинг кўндаланг қесим юзаси, м<sup>2</sup>;  $L$  – ВАЭнинг узунлиги, м;  $k$ ,  $m$  – ВАЭларни барпо этиш технологияси ва ВАЭ атрофидаги грунтнинг турига боғлиқ ҳолда қабул қилинган коэффициентлар. Бу коэффициентлар грунтнинг турига қараб, ўтказилган тажрибалар асосида аниқланади. Мисол учун, Ўзбекистондаги бир-хил турдаги лёссли грунтлар учун, кўп марталик тадқиқотлар асосида  $k$  ва  $m$  коэффициентларининг қиймати қуйидагига тенг:  $k = 0,5$  ва  $m = 0,003$  м<sup>3</sup>/кН;  $p_{sl}$  – грунтнинг бошланғич чегаравий босими ёки ҳисоби қаршилиги ( $R$ ), кПа;  $q$  – ростверкга таъсир этувчи текис тарқалган ташқи юк кН/м ва  $B$  – ростверкнинг эни, м.

Олиб борилган адабиётлар таҳлилидан шу маълумки ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилиятини ва чўкишини аниқлашда, ВАЭ ва грунтлар контакт

худудининг ишлаш шароити эътиборга олинмаган. Бу шароит ВАЭларнинг барпо этиш технологиясига боғлиқ. Мисол учун бурғулаб аралаштириш (смесительной) ва струйли (струйной) технологияларида бу контакт худуди шувалган ҳолатда бўлаи шу сабабли грунт массивига деформация модули келтирилган ягона массив сифатида қаралади. Бу ҳолда зарралараро боғланиш кучининг таъсир даражаси ортади.

Контактли реактив куч моделида ВАЭлар ростверкларини ҳисоблашда мувозанат шартдан келиб чиқиб икки хил бикирликдаги асослардан фойдаланилади. ВАЭ конструкциясининг ўзига чизиқли эластик коэффиценти  $K$  бўлган таянчлар сифатида қаралади ва ВАЭлар орасидаги майдон Винклер моделидаги эластиклик коэффиценти  $C$  деб характерланади. Биринчи кўрсаткич ўқ кучининг чўкишга нисбати орқали аниқланса, иккинчи кўрсаткич эса асоснинг келтирилган деформация модули орқали аниқланади. Демпфер қатламининг модели пластик қонунга бўйсунди, яъни грунтларнинг силжишга қаршилиги орқали ҳисобланади. Бу ерда асосий кўрсаткич грунтларнинг (қумли қатламнинг) ички ишқаланиш бурчаги ҳисобланади. ВАЭларнинг грунт билан бирга ишлашида бўш грунтли асосларда нисбатан мустаҳкамроқ стерженлар жойлаштирилган тизимдак қаралади. ВАЭнинг ўзи ҳисобий юк тасирида сиқилмайди, эгилмайди ва кучланишларини тарқатувчи элемент сифатида хизмат қилади, шунинг ҳисобига улар атрофидаги грунтларнинг сиқилиши камаяди. Бундан ташқари ВАЭлар ва улар атрофидаги грунтларга яхлит массив сифатида қаралади.

Замонавий геотехника амалиётида, инженерлик ҳисоблаш усули билан бир қаторда, вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асосларнинг чекли элемент ҳисоб усули ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу ҳолда, текисликдаги масалани ечишда бўйлама қатордаги ВАЭлар шартли равишда грунтдаги девордек қабул қилинади ва шу билан бирга девор орасидаги грунтларга ҳам ҳар хил деформация модулли (деформация модули ва ён томонга босим коэффиценти) массив сифатида қаралади. Ҳисоблашнинг бу усули деформация моделини билдиради ва мустаҳкамловчи армоэлемент материалининг силжишга қаршилигини ҳисобга олмайди. ВАЭларнинг грунтлардаги мустаҳкамлик чегараси свайли пойдеворларни ҳисоблаш усули каби ҳисобланади. ВАЭлар материалларининг мустаҳкамлик чегараси уларни бир ўқ бўйича сиқилишдаги ҳисобий қаршилиги бўйича қабул қилинади.

ВАЭлар, свайли пойдеворлардан фарқли ўлароқ ташқи юкларни кум қатламидан ташкил топган демпфер орқали қабул қилади. Шу сабабли ростверкларни юклаганда, пойдевор остидаги грунтларнинг юк кўтара олиш қобилияти тўлиқ ишга тушади, ВАЭлар эса силжиш босқичида ишлай бошлайди.

А.О. Поповнинг фикрича бир жинсли грунт шароитидаги, қозикли пойдеворлар ва ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларда олиб борилган тадқиқот натижалари ва олдинги маълумотлар асосидаги аналитик ҳисоблар шуни кўрсатдики, ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларнинг юк кўтара олиш қобилияти, қозикли

пойдеворларга нисбатан баъзи ҳолларда 1,28 мартага ортиқ ва ҳисобий чўкиш қиймати 1,7 мартагача кам.

А.О. Поповнинг назариясига асосан, пойдеворларнинг деформацияси ташқи юклар таъсирида пойдевор товони остида грунтларнинг зичланиши натижасида ҳосил бўладиган ядро шаклига ва бурчагига боғлиқ бўлар экан. ВАЭлар билан мустаҳкамланган асосларнинг ядросининг бурчаги кичик, шу сабабли уларнинг деформацияси нисбатан кичик бўлади. Бу I чегаравий ҳолатга (устуворликка) тегишли. Бизларнинг илмий изланишларимиз эса II чегаравий ҳолат бўйича олиб борилишига қаратилган.

Т.И. Мирсаяпов ва В.Р. Мустақимовлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида ВАЭлар билан мустаҳкамланган грунтларнинг нисбий ўта чўкувчанлигини аниқлаш формуласини ишлаб чиқилган:

$$\varepsilon_{sl} = \frac{\left( \frac{\sigma_{zg} + \sigma_{zp}}{E_{gp}} \right) * \left( 1 + \frac{\delta * t^{1-\alpha_0}}{1-\alpha_0} \right)}{\left( \frac{E_{aэ} * k_1}{E_{gp}} + \frac{1}{\mu} \right) * \mu} \quad (4)$$

бу ерда  $\sigma_{zg}$  – грунтнинг хусусий оғирлигидан тарқаладиган кучланиш, кПа;  $\sigma_{zp}$  – ташқи юкдан вужудга келадиган кучланиш, кПа;  $E_{gp}$  – грунтнинг деформация модули, кПа;  $\delta$ ,  $\alpha_0$  – эксперимент асосида аниқланадиган коэффицентлар, ( $0 < \alpha_0 < 1$ );  $t$  – грунтни сувга тўйинтириш вақти, сут;  $E_{aэ}$  – армоэлементнинг эластиклик модули, кПа;  $k_1$  – коэффиценти;  $\mu$  – арматуралаш коэффиценти.

Ушбу нисбий ўта чўкувчанликни аниқлаш (4) формуладан фойдаланиб ВАЭ билан мустаҳкамланган ўта чўкувчан грунтларнинг ўта чўкувчанлиги кўйидаги (6) формула ёрдамида аниқланади

$$S_{sl} = \varepsilon_{sl} * h * k_{sl} \quad (5)$$

бу ерда  $h$  – ўта чўкувчан қатлам қалинлиги, мм;  $k_{sl}$  – ўта чўкувчан қатлам қалинлигига боғлиқ бўлган коэффицент.

В.Р. Мустақимов лотокда олиб борилган тадқиқот натижалари ва назарий ҳисоблашлар натижалари асосида уларнинг фарқини инобатга олиб (5) ифодага қуйидаги тўғирлаш коэффицентини (6) киритган:

$$K_{m\ddot{y}z} = \varepsilon_{sl}^{экс} / \varepsilon_{sl}^{наз} \quad (6)$$

ва натижада (5) формула қуйидаги кўринишга келади:

$$S_{sl} = K_{m\ddot{y}z} * \varepsilon_{sl} * h * k_{sl} \quad (7).$$

Ушбу назарияни ишлаб чиқишда В.Р. Мустақимов дала шароитида тажриба олиб бормаган. Ушбу (5) формула ва ( $K_{m\ddot{y}z}$ ) коэффицентларни дала шароитида олиб борилган эксперимент натижалари билан текшириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.


**Диссертациянинг “Вертикал армоэлементларнинг юк кўтариш қобилиятини ва силжишга қаршилигини аниқлаш ҳамда уларни пойдеворлар эгилишига таъсирини аниқлаш бўйича эксперимент натижалари” деб номланувчи иккинчи бобида ВАЭларнинг ишлашини**

тадқиқ этиш мақсадида, мустаҳкамлиги паст ва ВАЭлар билан мустаҳкамланган асосларда, плитали пойдеворларнинг марказий таъсир этадиган тўпланган юклар таъсиридаги чўкиши ва эгилиши моделларда тадқиқ этилган. Булардан ташқари, ҳар хил инженерлик-геологик шароитларда, турли геометрик ўлчамларга эга бўлган ва материаллардан барпо этилган ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилиятлари тадқиқ этилган (4-7-расмлар).

ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослар ва пойдеворларнинг биргаликда ишлашини тадқиқ этиш мақсадида мустаҳкамлиги паст (бўш) грунтли асос ва вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослар моделларида марказий, юклар таъсиридаги пойдевор плитасининг эгилиши бўйича тадқиқотлар олиб борилди (2-3-расмлар).

Тадқиқотнинг биринчи босқичида мустаҳкамлиги паст (бўш) грунтли асос моделида марказий юкланган пойдевор плитасининг эгилишини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида табиий намликдаги, сувга тўйинган, табиий намликдаги ВАЭлар билан мустаҳкамланган ва сувга тўйинган ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослар моделларида пойдевор плитасининг эгилиши тадқиқ этилди (1-расм).

Олиб борилган иккала тажриба натижалари бир-бири билан таққосланди. Тажриба олдида ўлчамлари 1300x1500 ва 5 мм бўлган пўлат плитанинг цилиндрик бикрлиги аниқланди. Моделли тадқиқот




**1-расм. Вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асосдаги пойдевор плитасини синаш модели. а) ВАЭ моделларининг жойлашуви; б) плитани синаш жараёни.**

натижаларида бўш асосдаги марказий юкланган пойдевор плитасининг эгилиши, ВАЭлар билан мустаҳкамланган асосдаги юкланган пойдевор плитанинг эгилишидан 2,46 мартага ортиқлиги аниқланди (2-расм).

Экспериментлардан олинган натижаларни бир-бирлари билан таққослаш қуйида график (2-расм) кўринишида келтирилган, унда бир-бирлик куч ( $f/N$ ) таъсиридаги пўлат плитанинг эгилиши ва нуқталар орасидаги ( $l/d$ ) келтирилган масофалар, бунда  $d$  – плитага юкни узатиш учун олинган доира шаклидаги бикр штампнинг диаметри.


Вертикал армоэлементларнинг плиталар эгилишига таъсирини ўрганиш мақсадида, табиий намликдаги асос, сувга тўйинган ҳолатдаги асос, ВАЭ моделлари билан мустаҳкамланган табиий намликдаги асос ва ВАЭ моделлари билан мустаҳкамланган сувга тўйинган ҳолатдаги асос моделларида марказий юкланган пойдевор плитасининг эгилиши бўйича тадқиқотлар олиб борилди.



**2-расм.** Плитага узатилаётган бир бирлик марказий куч ва шу нуқталардаги эгилишни ифодаловчи боғланиш графиги.

1-мустаҳкамлиги паст (бўш) асосда; 2- ВАЭ моделлари билан мустаҳкамланган асосда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини бир бирлари билан таққослаш мақсадида, биринчи гуруҳ тадқиқотлар сингари олинган натижалар бир бирлик кучга келтирилди ва жадвалга киритилди ҳамда қуйидаги график чизилди (3-расм).




**3-расм.** Плитага узатилаётган бир бирлик марказий куч ва шу нуқталардаги эгилишларни ифодаловчи боғланиш графиклари. 1-табиий намликдаги плитанинг эгилиши; 2-сувга тўйинган асосдаги; 3-ВАЭ моделлари билан мустаҳкамланган табиий намланган асосдаги; 4- ВАЭ моделлари билан мустаҳкамланган сувга тўйинган асосдаги.




Ўтказилган тажрибалардан хулоса қилиш мумкинки, марказий юкланган плитали пойдеворлар эгилиши ВАЭлар билан мустаҳкамланганда 2,5-3 баробарга камайган ва эгилишнинг тарқалиш ҳудуди бир томонга тахминан 5 (1/d) тарқалганлиги аниқланган.

**Натуравий тажрибалар натижалари.** Лёсс грунтларда диаметри 500 мм, узунлиги 5-6 м ва бурғулаб бетонлаш технологияси асосида барпо этилган вертикал армоэлементнинг юк кўтара олиш қобилиятини ва вертикал армоэлемент атрофидаги грунтларнинг ВАЭларнинг силжишга қаршилигига таъсирини аниқлаш мақсадида катта масштабдаги тадқиқотлар олиб борилди (4-расм).




**4-расм. Ташқи юк ва ВАЭнинг чўкиши орасидаги боғланиш  $P=f(s)$  графиги.**

Лёсс грунтларда умумий узунлиги 5 м бўлган, диаметри 500 мм бўлган бурғулаб аралаштириш технологияси асосида барпо этилган ВАЭнинг юк кўтара олиш қобилиятини аниқланди. Булардан ташқари ер ости сув сатҳи 3-4 м бўлган лёссли грунтларда ҳам экспериментлар олиб борилди (5-расм).




**5-расм. Ташқи юк ва ВАЭнинг чўкиши орасидаги боғланиш  $P=f(s)$  графиги.**

Тошкент вилоятида, лёссли грунтларда диаметри 700 мм, узунлиги 15 м ва SoilMix технологияси асосида барпо этилган ВАЭнинг юк кўтара олиш қобилиятини ва унинг атрофидаги грунтларнинг силжишга қаршилигини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди (6-расм). Унга кўра ВАЭнинг юк кўтара олиш қобилияти 6000 кН эканлиги аниқланган.



6-расм. Ташқи юк ва ВАЭнинг чўкиши орасидаги боғланиш  $P=f(s)$  графиги. 1-юклантириш; 2-юксизлантириш.

Самарқанд вилоятининг “Самарқанд туризм маркази” қурилиши муносабати билан аллювиал қайроқли грунтда SoilMix технологияси асосида диаметри 700 мм, узунлиги 15 м ВАЭнинг юк кўтара олиш қобилиятини ва унинг атрофидаги грунтларнинг силжишга қаршилигини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди (7-расм). Унга кўра ВАЭнинг юк кўтара олиш қобилияти 5000 кН эканлиги аниқланган.



7-расм. Ташқи юк ва ВАЭнинг чўкиши орасидаги боғланиш  $P=f(s)$  графиги. 1-юклантириш; 2-юксизлантириш.

Бу тажрибалардан қўйидаги хулосага келиш мумкин. Диаметри 500 ва узунлиги 5-6 м бетонли ва цемент кумоқ грунт ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилияти 350-500 кН эканлиги аниқланган. Қориштириш технологиялари билан амалга оширилган диаметри 700 ва узунлиги 15 м атрофидаги цемент кумоқ грунт ва цемент шағал грунтли ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилияти 5000-6000 кН атрофида бўлиши аниқланган.

Диссертациянинг **“Вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослар ва пойдеворларнинг биргаликдаги ишлашининг назарий асослари”** деб номланувчи учинчи бобида вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асосларнинг кучланганли-деформация ҳолати қаралган. ВАЭлар билан мустаҳкамланган асосладаги пойдеворларни ҳисоблаш усули келтирилган.

ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларни ҳисоблаш ва лойиҳалашда ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилиятини ва силжишга қаршилигини аниқлаш талаб этилади. ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилиятини икки хил усулда аниқлаш мумкин: дала шароитида натуравий эксперимент асосида ва назарий ҳисоблаш йўли билан.

Бетонли, грунт-цементли ва бетонли-грунтцементли (комбинацияланган) ВАЭларда олиб борилган, кўп сонли тажрибалар шуни кўрсатдики, уларнинг юк кўтара олиш қобилияти ҳисобланганда ҳисобий кучлар таъсиридан улардаги вертикал силжишлари 2-3 см дан ошмайди. Бир хил (турдаги) грунтли шароитларда олиб борилган эксперимент натижалари таҳлилига асосан, ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилиятини ва улар орасидаги масофаларни юқоридаги (2 ва 3) формулалар орқали аниқлаш мумкин.

***ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларни чўкиши.***


ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларнинг чўкиши, нисбий деформация ва кучланиш орасидаги боғланиш графиги чизиқли бўлганда, қўйидаги пойдеворларнинг чўкишини аниқлаш схемаси (9-расмга қаранг) ёрдамида ва қўйидаги формула (8) орқали аниқланади.

$$s_z = s_{BAЭ} + s_a \quad (8)$$

бу ерда:  $s_{BAЭ}$  - ВАЭнинг деформацияси, м;  $s_0$  - ВАЭ пастки қисми остидаги грунтнинг деформацияси, м. Бетонли ВАЭлар учун,  $D/L \geq 0.075$  шарт бажарилганда,  $s_{BAЭ} \cong 0$  қабул қилса бўлади. Бошқа ҳолларда, ВАЭларнинг деформацияси ва ВАЭ учки қисми остидаги грунтларнинг деформацияси қўйидаги аънавий элементар жамлаш усули ёрдамида аниқланади.

$$s_z = \sum_{i=1}^{L_{BAЭ}} \frac{\sigma_{zi}}{E_{BAЭi}} \Delta z + \beta \sum_{i=1}^{H_{\phi.c.x}} \frac{\sigma_{zpi}}{E_{sataa}} \Delta h \quad (9)$$

бу ерда:  $E_{BAЭi}$  – ВАЭ материалнинг эластиклик модули (агар ВАЭ материали бетон бўлса, бетон синфига қараб деформация модули олинади, агар грунт-цемент бўлса, грунт-цементдан структураси бузилмаган намуна олиниб лабораторияда, худди грунт каби компрессия қурилмаси одометрда деформация модули аниқланиб олинган деформация модули ўтиш коэффиценти орқали ҳисобланади), кПа;  $\Delta z$  – ВАЭ узунлиги бўйича, ажратилган элементар қатлам қалинлиги, м;  $\beta$  – ВАЭ учки қисмидаги грунтларнинг ён томонга кенгайиш коэффиценти;  $\sigma_{zpi}$  – ВАЭ учки қисми остидаги фаол сиқилувчи қатламидаги,  $i$ -элементар қатламчалардаги қўшимча босим ( $\sigma_{zpi} = \alpha * \sigma_{zi}$ ), кПа, бунда,  $\alpha$  – пойдевор товонининг шаклига ва қаралаётган нуқтанинг чуқурлигига боғлиқ бўлган коэффицент бўлиб, унинг қиймати ҚМҚ 2.02.01-98 жадвалидан олинади;  $E_{satai}$  – фаол сиқилиш қатламидаги грунт қатламларининг деформация модули, кПа;  $\Delta h$  – фаол сиқилиш қатламидаги элементар қатламча қалинлиги, м;  $\sigma_{zi}$  – ВАЭ ўқи бўйича тарқалаётган нормал кучланиш (8-расм), А.З. Хасанов таклиф этган (10) ифода орқали аниқланади



**8-расм. ВАЭ ўқи бўйича грунт массивининг кучланганлик ҳолатини аниқлашнинг ҳисобий модели.**

$$\sigma_{zi} = \frac{1}{\operatorname{tg}\alpha} \left[ \frac{\gamma \cdot r_0}{2\lambda + 1} \left( 1 + \frac{z}{r_0} \operatorname{tg}\alpha \right) - \frac{c}{\lambda} \right] + \left[ q - \left( \frac{\gamma \cdot r_0}{2\lambda + 1} - \frac{c}{\lambda} \right) \frac{1}{\operatorname{tg}\alpha} \right] \left( 1 + \frac{z}{r_0} \operatorname{tg}\alpha \right)^{-2\lambda} \quad (10)$$

бунда

$$\lambda = 1 - \frac{\xi}{\cos\alpha} + \frac{\xi \operatorname{tg}\varphi}{\cos\alpha} \quad (11)$$

бу ерда,  $\xi$  – ВАЭ материалнинг ён томонга босим коэффиценти;  $\gamma$  – грунтнинг солиштирма оғирлиги, кН/м<sup>3</sup>;  $c$  – грунтларнинг зарралараро боғланиш кучи, кПа;  $\varphi$  – грунтларнинг ички ишқаланиш бурчаги;  $\alpha$  – кесик конуснинг чуқурлик бўйича кенгайиш бурчаги;  $r_0$  – вертикал армоэлементнинг радиуси, м;  $z$  – вертикал армоэлемент танасидаги элементар қатламча қалинлиги, м;  $q$  – вертикал армоэлементга таъсир қилаётган тенг тарқалган юк, кН/м<sup>2</sup> (агар  $z = 0$  бўлса  $q = \sigma_{z0}$ ) (8-расм). Бу ифода, кесик конуснинг исталган чуқурликдаги нормал кучланишининг қийматини аниқлаш имконини беради. (9) тенгламада келирилган ифодага

асосан ВАЭ горизантал кесимларидаги нормал кучланишлар чуқурлик бўйича сўнувчи эгри чизикли қонуниятга бўйсунди. Бу тенглама графиги 8-расмда келтирилган. Агар ВАЭ ён сирти бўйича боғланиш кучлари ( $c$  ва  $\varphi$ ) юқори бўлса нормал кучлар тезроқ сўнади. Шундай қилиб бу тенглама бизларга ВАЭ вертикал ўқи бўйича нормал кучларни ва унинг заминдаги реакция кучларини аниқлаш имконини берадиган математик формула ҳисобланади.

ВАЭлар билан мустаҳкамланган асосдаги пойдеворнинг чўкиши, ВАЭнинг элементар қатламларининг деформациялари йиғиндиси ва ВАЭ пастки қисми остидаги фаол сиқилувчи қатламнинг, элементар қатламларининг деформациялари йиғиндиларининг жамланмаси (9) ифлда орқали аниқланади.


ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдевор (ростверк)га узатилиши мумкин бўлган юк ( $P$ ) нинг қийматини топиш қўйида келтирилган формула бўйича амалга оширилиши лозим:

$$P = q \frac{D^2 \pi}{4} + R(A_{\text{рос}} - A_{\text{ВАЭ}}) \quad (12)$$

Бундан ВАЭга узатилаётган тарқалган куч қўйидагича аниқланади:

$$q = \frac{4[P - R(A_{\text{рос}} - A_{\text{ВАЭ}})]}{\pi D^2} \quad (13)$$

бу ерда:  $R, P_{sl}$ -грунтнинг ҳисобий қаршилиги ёки бошланғич ўта чўкувчанлик босими, кПа;  $A_{\text{рос}}$  – битта вертикал армоэлементга тўғри



9-расм. Вертикал армоэлементлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларнинг чўкишини ҳисоблаш схемаси.

келадиган ростверкнинг юзаси,  $m^2$ ;  $A_{ВАЭ}$  - вертикал армоэлементнинг кўндаланг кесим юзаси,  $m^2$ ;  $D$  - вертикал армоэлементнинг диаметри, м.

**Қумли демпфер қатламнинг силжишга қаршилигини аниқлаш.** Пойдевор тўсини (плитаси) ва ВАЭлар контакт қисмидаги (зонасидаги), демпферловчи қумли қатламининг хусусиятларини аниқлаш. Қуйидаги расмда (10-расм) ҳисобий схема келтирилган. Қумли демпфернинг ҳисобий моделини эластик-пластик модел сифатида қабул қиламиз.  $F_h < F_R$  шарт бажарилганда модел эластик хусусиятни характерлайди ва  $F_h \geq F_R$  шарт бажарилганда эса модел пластик хусусиятни характерлайди. Инерцион горизантал сейсмик куч қуйидаги (14) ифода орқали аниқланади


$$F_h = m * a = \frac{F_v}{g} a = \frac{(N + q * l)}{g} a \quad (14)$$

бу ерда:  $m$  - бинонинг массаси, т;  $a$  - zilzila кучининг грунтда тезланиши,  $m/c^2$ ;  $F_v$  - ростверкга таъсир этаётган вертикал юк, кН;  $g$  - эркин тушиш тезланиши,  $m/c^2$ ;  $N$  - ростверкга устундан тушаётган юк, кН;  $q$  - ростверкга девордан тушаётган юк, кН/м; ростверкнинг узунлиги, м;

Асоснинг вертикал реакция кучи (12) ифода ёрдамида аниқланади

$$F_R = R(A_{\text{рос}} - A_{\text{ВАЭ}}) + F_d \quad (15)$$

бу ерда:  $R$ -ВАЭлар атрофидаги (ростверк остидаги) грунтнинг ҳисобий қаршилиги, zilzila таъсирини инобатга олиб қабул қилинади, кПа;  $F_d$  - ВАЭнинг юк кўтара олиши қобилияти, кН.



10-расм. Қумли демпфер қатламнинг ҳисобий схемаси.

$$F_R = R(A_{\text{рос}} - A_{\text{ВАЭ}}) + F_d \geq F_h \quad (16)$$

Қуйидаги шарт бажарилганда zilzila энергияси ютилади (сўнади), акс ҳолда қумли демпфер контакт зонасида силжиш вужудга келиши мумкин.

$$\frac{F_h}{F_R} \geq f = tg \varphi \quad (17)$$

## ХУЛОСА

“Ўзбекистоннинг инженерлик–геологик шароитида бино ва иншоотлар асосларини барпо этишда вертикал армоэлементлар (ВАЭ) ишлашини тадқиқ этиш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларнинг нотекис чўкиши 2,5-3,0 баробарга камайди ва бўш (мустаҳкамлиги кам) грунтларнинг юк кўтара олиш қобилияти 2,0-2,5 маротага ортди.

2. ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги пойдеворларда маркази юклар таъсирида эгилиши ва зўриқишлар микдори (қиймати) 2,5-3,0 маротага камайди, бу эса арматура сарфининг 15-20% тежалишига олиб келди.

3. Таклиф этилган, (2, 3) ифодалар бетонли ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилиятини ва улар орасидаги масофани аниқлаш имконини беради.

4. Винклер (эластиклик коэффициенти) модели ва вертикал армоэлементларнинг чизикли бикирлигидан фойдаланиб, вертикал армоэлементлар ва улар атрофидаги грунтларнинг ростверк билан биргаликда ишлашини ҳисобга олиб мавжуд дастурий комплекслардан фойдаланиш имконини берувчи модел таклиф этилган.

5. Зилзила таъсирини камайтириб берувчи қумли демпфернинг силжишини ҳисоблаш схемаси ва шарти ишлаб чиқилди.

6. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида ВАЭлар билан мустаҳкамланган асослардаги бино ва иншоотлар пойдеворларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш бўйича мавжуд услубий қўлланма такомиллаштирилиб қайта чоп этилган ҳамда ЭҲД ишлаб чиқилган.

7. Бўйлама бикирлик ва устуворликдан ташқари ВАЭларни шартли равишда бикир, мойил (податливые) ва эластик (тур)ларга бўлиш мумкин.

Томонларининг нисбати  $D/L \geq 0,075$  бўлган бетонли ва грунт-цементли ВАЭлар бикир ВАЭлар тоифасига киради. Томонларининг нисбати  $0,075 \leq D/L \leq 0,05$  бўлган ВАЭлар ярим бикир ВАЭлар тоифасига киради.

Томонларининг нисбати  $D/L \leq 0,05$  бўлган ВАЭлар эгилувчан тоифасига киради. Эгилувчан тоифадаги ВАЭларга грунтли свайлар киради,  $D/L \geq 0,075$  шарти бажарилганда бетон ВАЭлар бикир тоифага киради.

8. Таклиф этилган (8, 9 ва 10) ифодалар алоҳида ажратилган жойлардаги инженерлик-геологик шароитларда ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилиятини аниқлаш имконини беради. Таклиф этилган (8, 9 ва 10) ифодалар ёрдамида ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилияти аниқланиб олингандан сўнг (3) ифода ёрдамида ВАЭлар орасидаги масофаларни аниқроқ ҳисоблаш (аниқлаш) мумкин.

9. Таклиф этилган ҳисобий модел кўп қатламли асосларда ҳар-хил мустаҳкамлик кўрсаткичли грунтларда ва ҳар-хил геометрик хусусиятларга

эга ВАЭларнинг юк кўтара олиш қобилиятини аниқлаш имконини беради. Бундай ҳолда ВАЭларнинг узунлиги  $\sigma_z \leq R$  шарт бажарилиши бўйича чегараланади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИТЕКТУРНО-  
СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ**

**КУРБАНОВ БАХОДИР ИРКИНОВИЧ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ РАБОТЫ ВЕРТИКАЛЬНЫХ АРМОЭЛЕМЕНТОВ  
(ВАЭ) ПРИ ВОЗВЕДЕНИИ ОСНОВАНИЙ ЗДАНИЙ И СООРУЖЕНИЙ  
В ИНЖЕНЕРНО-ГЕОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА**

**05.09.02 – Основания, фундаменты и подземные сооружения. Мосты и транспортные  
тоннели. Дороги, метрополитены**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ  
(PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.4.PhD/T2007.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайта научного совета ([www.tdu.uz](http://www.tdu.uz)) и в информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу [www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)

**Научный руководитель:** Хасанов Аскар Забиевич  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Юлдашев Шарафитдин Сайфитдинович  
доктор технических наук, профессор

Каюмов Абдубаки Джалилович  
доктор технических наук, профессор


**Ведущая организация:** Ташкентский архитектурно-строительный институт


Защита диссертации состоится «11» 12 2021 г. в 12<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета DSc.18/30.12.2019.T.09.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. (Адрес: 100167, г. Ташкент, улица Адылхожаев, 1. Тел./факс: (998-71) 277-54-87, e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном транспортном университете (зарегистрирована №044). (Адрес: 100167, г. Ташкент, улица Адылхожаев, 1. 1. Тел./факс: (998-71) 277-54-87, e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан «29» 11 2021 года.  
(реестр протокола регистрации № 30» 10 2021 года).



  
**А.А. Рискулов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

  
**Р.М. Худайкулов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, PhD, доцент

  
**С.И. Садиков**  
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность темы диссертации.** Во всем мире, особое внимание уделяется внедрению результатов научных исследований в различных областях строительства, повышению эффективности и качества. Большое внимание уделяется снижению затрат и надежности оснований и фундаментов зданий и сооружений. В мире в том числе в развитых странах США, Европы, Китае, Российской Федерации имеет повышенный спрос вопросы повышения эффективных технологий. Решение этих проблем в нашей стране также требует разработки и широкого внедрения современных методов и технологий. В связи с этим, использование экономичных технологий важно для уменьшения затрат и увеличения эффективности оснований зданий и сооружений. Особенно это важно для уменьшения неравномерных осадок грунтов и снижение затрат на возведения нулевого цикла зданий и сооружений.

Учитывая широкое распространение слабых грунтов в населенных пунктах и городах возведение фундаментов и вопросы укрепление грунтов оснований является актуальным. Учитывая стесненность застройки в городах часто становится невозможно возводить глубокие котлованы. В этих условиях применение ВАЭ является эффективным и дает возможность проводить эти работы механизированным способом..

